


ТУПРОККА МИНИМАЛ ИШЛОВ БЕРИШГА ЙУНАЛТИРИЛГАН КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТНИНГ ИШЛАШ ШАРОИТИ

А.Н. Худоёров, М. Юлдашева, У. Абдумаликов, У. Ахмедов


Андижон қишлоқ хўжалик институти

Комбинациялашган агрегат (1-расм) иш органлари ўрнатиладиган ва уларни турли масофалар ҳамда чуқурликларда созлаш имконини берувчи рама 1, агрегатни тракторга осиш учун мўлжалланган ўрнатгичлар 2, чуқур юмшаткич 3, пушта олгичлар 4, ўғит бункерлари 5, ўғит солгич-таксимлагичлар 6 ва таянч ғилдираклари 7 дан ташкил топган бўлиб, асосий иш органлари тупроқни ағдармасдан йўл-йўл юмшатовчи юмшаткичлар, юмшатиш катламга лентасимон усулда ўғитлаш учун ўғитлаш курилмаси ҳамда юмшатиш ва ўғитланган катлам устига пушта хосил килувчи пушта олгичлар ҳисобланади.



1-расм. Комбинациялашган агрегатнинг схемаси

Юмшаткичлар рамага излари оралиғи 1800 мм этиб жойлаштирилган бўлиб (2-расм), ғўза катор оралиғини суғориш учун ўтган мавсумдаги эгатлар ичини 30-40 см чуқурликда юмшатади, комбинациялашган агрегат иш жараёни куйидагича кечади: ўғитлаш курилмаси юмшаткич томонидан юмшатиш катлам туби ва унга нисбатан 30-40 см баландликка лентасимон усулда ўғит солиб кетади, пушта олгичлар юмшатиш ҳамда ўғитланган йулларга ўтган мавсумдаги пушталар тупроғини ағдариб янги пушталар ҳосил қилади. Комбинациялашган агрегат асосан шўрланмаган ҳамда яхоб суви берилмайдиган табиий-иклим шароити пуштада пахта етиштириш имконини берувчи минтакаларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан бўшаган далаларни келгуси йили пуштага чигит экиш учун тайёрлашда қўлланилади.




2-расм. Комбинациялашган агрегатнинг ҳаракатланиш схемаси

а ва б-мос равишда агрегатнинг биринчи ўтишида ва қайтишида ҳосил бўлаётган пушталар

Аксарият ҳолларда далалар юзасида эгат ва пушталар мавжуд булиб, комбинациялашган агрегат мавжуд эгатлар тубини юмшатиб, улар ўрнида янги пушталар, эски пушталар ўрнида эса янги суғориш эгатларини ҳосил қилиб кетади.

3-расмда пахта ҳосилидан бўшаган, ғўзапояси юлиб тозаланган ҳамда кузги бўғдойдан кейин такрорий экин сифатида маккажухори етиштирилган далаларда комбинациялашган агрегат билан ишлов беришга тайёрланган далада мавжуд бўлган пушта ва эгатларнинг кўндаланг профиллари тасвирланган.



3-расм. Пахтадан (а) ва такрорий экиндан (б) бўшаган далалар юзасида мавжуд бўлган пушта ва эгатларнинг кўндаланг профиллари

Ўтказилган тадқиқот натижаларида ғўзапояси юлиб тозаланган далаларда эгатларнинг чуқурлиги (ёки пушталарнинг баландлиги) 10,7-12,4 см оралигида ўзгаришини, уларнинг ўртача киймати эса 11,7 см га тенглигини, кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида маккажухори етиштирилган далаларда бу кўрсаткичлар мос равишда 14,8-19,4 ва 17,1 см ни ташкил этганлигини кўрсатди.

Комбинациялашган агрегат ишлов бериш учун тайёрланган тажриба далаларидаги тупрокнинг физик-механик хоссалари пахта ва кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида маккажухори етиштирилган далаларда тупрокнинг намлиги, қаттиклиги ва зичлиги аниқланди. Бунинг учун тажриба даласининг эгат, пушта ва чок қаторларини 30-40 см қатламларидан олинган тупрок намуналари ўрганилди. Бунда пахта хосилидан бўшаган дала пуштасининг пушта олгич ишлайдиган 10-20 см қатламидаги тупрок намлиги 4,8-8,0% зичлиги 1,33-1,38 г/см³ ва қаттиклиги 0,92-2,89 МПа, эгат ичининг 30-40 см қатламида бу кўрсаткичлар 7,3-15,8 %, 1,38-1,54 г/см ва 2,89-4,89 МПа, такрорий экинлардан бўшаган далаларда эса бу кўрсаткичлар мос равишда пуштада 11,3-15,4%, 1,24-1,38 г/см³ ва 1,21-2,86 МПа, эгат ичида 14,7-17,2 %, 1,31-1,53 г/см³ ва 1,74-4,78 МПа ни ташкил этди.

Олинган натижалар ҳар иккала фонда ҳам эгат тупроғининг қаттиклиги ва зичлиги пушта ҳамда чок қаторга нисбатан куп. Буни экинлар вегетацияси даврида эгат тупроғининг чопик трактори ғилдираклари таъсири остида зичланиши билан изоҳдаш мумкин. Яна шуни таъкидлаш лозимки, пахта хосилидан бўшаган далада тупрокнинг намлиги кам, қаттиклиги ва зичлиги юкори бўлган. Буни шундай изоҳлаш мумкин, биринчидан, кузги буғдойдан кейин етиштирилган маккажухори сентябр ойларида ҳам суғорилади, иккинчидан, чопик тракторлари маккажухори қатор ораларига ғўза қатор ораларига нисбатан 2-3 марта кам кириши ҳисобига тупроқ кам зичланганлигини кўрсатди.

Аннотация:

Маколада тупроққа минимал ишлов беришга йўналтирилган комбинациялашган агрегатнинг технологик иш жараёни ҳамда уни ишлаш шароити бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Худоёров А.Н. Тупроққа ишлов беришнинг янги усули ва уни амалга оширувчи техник қурилма // Тошдту хабарлари- Тошкент, 2007. - №4. -Б.59-64.

2.Худоёров А.Н. Комбинированный агрегат для минимальной обработки // Техника в сельском хозяйстве. Москва, -2009. - №6. -С.56-57.

